

**Oriental Journal of Philology****ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**THE CONSONANT SYSTEM IN THE WORK “AL-MUFASSAL” BY MAHMUD AZ-ZAMAKHSHARI: PHONETIC CLASSIFICATIONS AND PHONOLOGICAL PATTERNS***Sarvinoz S. Kasimova**Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**Department of Foreign Languages**University of Journalism and Mass Communications of Uzbekistan*[sarvinozksmv@gmail.com](mailto:sarvinozksmv@gmail.com)*Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Zamakhshari; Mufaṣṣal; Arabic consonants; nafas; majhūra, mahmūsa; shadīd, rakhwa; iṭbāq; emphatics; idghām; allophony.

**Received:** 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

**Abstract:** This article examines the phonetic classifications and phonological regularities of the Arabic consonant system in Mahmud Zamakhshari’s Mufaṣṣal, focusing on the “Mushtarak” section. It reconstructs the scope of acoustic, articulatory, and functional descriptions and highlights nafas (breath) as a key explanatory notion for the majhūra/mahmūsa opposition. The study also discusses the shadīd, rakhwa contrast as a mechanism-based account of closure and constriction. Emphatic consonants are addressed through iṭbāq (الإطباق) and secondary articulation (pharyngealization, velarization), alongside special groupings such as qalqala, ṣafīr, and dhalāqa, which reflect fine-grained articulatory insight. Zamakhsharī’s remarks on “secondary consonants” and dialectal variants are interpreted in terms of positional patterns of allophonic variation and phonemic alternation. Finally, the paper argues that Zamakhsharī’s three-level taxonomy of idghām (obligatory, permissible, impermissible) is methodologically innovative, framing idghām as a normative, functional-phonological rule rather than mere articulatory facilitation.

**МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙНИНГ “МУФАССАЛ” АСАРИДА УНДОШЛАР ТИЗИМИ: ФОНЕТИК ТАСНИФЛАР ВА ФОНОЛОГИК ҚОНУНИЯТЛАР**

**Сарвиноз С. Касимова**

Доцент, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Хорижий тиллар кафедраси

Ўзбекистонда журналистика ва оммавий

коммуникациялар Университети,

[sarvinozksmv@gmail.com](mailto:sarvinozksmv@gmail.com)

Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Замахшарий; “Муфассал”; ундошлар; мажхура, маҳмуса; нафас; шадид, рахва; итбоқ; эмфатик ундошлар; идғом; аллофония.

**Аннотация:** Мақолада Маҳмуд Замахшарийнинг “Муфассал” асарида араб тили ундошлар тизимида оид фонетик таснифлар ва фонологик қонуниятлар таҳлил қилинади. “Муштарақ” бўлими асосида акустик–артикуляцион–функционал тавсифларнинг мазмуний доираси очиқ берилиб, мажхура ва маҳмуса нафас (النَّفَس) мезони орқали шарҳланади. Шунингдек, шадид ва рахва таснифида тўсиқ–сиқилиш механизми, эмфатик ундошларда итбоқ (الإطباق) ва иккинчи артикуляция (фарингализация, веляризация)нинг роли кўрсатилади. Қалқала, сафир ва залақа каби махсус гуруҳлар орқали артикуляциянинг нозик қирралари ёритилади. Муаллифнинг “иккиламчи ундошлар” (حروف الفروع) ва лаҳжавий вариантларга доир қайдлари аллофония ва вариантланишнинг позицион қонуниятлари нуқтаи назаридан талқин қилинади. Идғомнинг вожиб, жоиз ва мумкин эмас тарзидаги уч даражали таснифи эса уни меъёрий ва функционал-фонологик қоида сифатида тизимлаштирган методологик янгилик сифатида баҳоланади.

### СИСТЕМА СОГЛАСНЫХ В ТРУДЕ МАХМУД АЗ-ЗАМАХШАРИ «АЛЬ-МУФАССАЛ»: ФОНЕТИЧЕСКИЕ КЛАССИФИКАЦИИ И ФОНОЛОГИЧЕСКИЕ ЗАКОНОМЕРНОСТИ

**Сарвиноз С. Касимова**

Доцент, доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Кафедра иностранных языков

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

[sarvinozksmv@gmail.com](mailto:sarvinozksmv@gmail.com)

Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Замахшари; **Аннотация:** Статья посвящена “Муфассал”; согласные; нафас; мажхура и анализу фонетических классификаций и

махмуса; шадид, рахва; итбак; эмфатика; идгам; аллофония. фонологических закономерностей системы согласных арабского языка в трактате Махмуда Замахшари “Муфассал”. На материале раздела “Муштарак” раскрываются акустико-артикуляционные и функциональные параметры описания звуков. Оппозиция мажхура и махмуса интерпретируется через категорию нафас (участие и неучастие дыхания), а классификация шадид и рахва — как механизм преграды и сжатия при образовании согласных. Рассматриваются эмфатические согласные через итбак (الإطباق) и вторичную артикуляцию (фарингализация, веляризация), а также специальные группы (qalqala, ṣafīr, dhalāqa), отражающие тонкие артикуляционные различия. Замахшарианские сведения о “вторичных согласных” и диалектных вариантах интерпретируются с позиций аллофонии и вариантности. Показано, что трёхуровневая типология идгама (обязательный, допустимый, невозможный) представляет методологическую новизну, поскольку трактует идгам как нормативное и функционально-фонологическое правило.

---

**Кириш.** Ўрта аср араб наҳвчилари томонидан фонетика ва ундошлар тизимида оид қарашлар ўз даври тилшунослик тафаккурининг муҳим ифодаси бўлиш билан бирга, кейинги асрлар тадқиқотчилари учун ҳам назарий асос вазифасини ўтаган қимматли манбалардан саналади. Араб адабий тили тарихи давомида фонологик тизим муайян ўзгаришларга учрагани боис, ундошлар тизимини тарихий-фонологик нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш долзарб масаладир. Шу жиҳатдан Маҳмуд Замахшарий меросидаги фонетик-фонологик таърифларнинг илмий қиймати ва тизимли тавсифи алоҳида аҳамият касб этади.

Муфассал асарида, хусусан “Муштарак” деб номланган тўртинчи бўлимда баён этилган фонетик ва фонологик қарашлар илмий-тизимли тарзда талқин қилиниб, унда акустик, артикуляцион ҳамда функционал тавсифларнинг мазмуний доираси аниқланади; ундошлар фонологиясига оид қатор ходисалар (имола, вақф, ҳамзани енгиллаштириш, икки ундошнинг тўкнашуви, ибдол, идғом ва бошқалар) умумий тизим доирасида изоҳланади; шунингдек, араб тили фонемалари тизимидаги вариация (аллофон) ва вариантланишнинг позицион қонуниятлари қиёсий асосда ёритилади. Мазкур ёндашув “Муфассал”даги

фонетик-фонологик қарашларни қоидалар баёни сифатидагина эмас, балки акустика– артикуляция–функционал жараёнлар бирлигида тизимланган концептуал модель сифатида кўриш имконини беради. Айниқса, вариантлашиши мумкин бўлган фонемаларнинг алоҳида қайд этилиши араб ундошлар системасини тарихий-диалектологик нуқтаи назардан талқин қилиш учун қўшимча далил вазифасини ўтайди.

Ундошлар таснифида Маҳмуд Замахшарий фарқлаган муҳим омиллардан бири النَّفْس - ундош талаффузида нафаснинг иштирок этиши ёки этмаслиги билан боғлиқ ҳодисадир. Олим бу масалани қўйдагича таърифлайди: “مخرج الحرف و منع النفس ان يجري معه”, (Zamakhshari, 1357, p. 148), яъни “жарангдорлик — ҳарфнинг артикуляция жойида тўсикқа учраган товуш оқимининг тўпланиб қолиши ва унга ҳамроҳ нафаснинг эркин оқиб кетмаслигидир”. Шу маънода мажхура ундошларда нафас сезилмайди, яъни нафас оқими эркин равишда “бирга” ўтмайди; маҳмуса ҳарфларда эса нафас ундош талаффузига ҳамроҳ бўлади.

Муаллиф бу фарқни амалий кузатиш асосида ҳам тушунтиради: агар ق ҳарфи қайта-қайта такрорланса, нафаснинг “тўсикқа учраши” сезилади, ك ундоши такрорланганда эса нафас оқими ҳам сезилади. Бундай изоҳ нафақат терминологик баён, балки артикуляцион тажрибага суянган методологик ёндашув сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Замахшарий мазкур икки термин – мажхура ва маҳмуса тушунчалари асосида араб тилидаги ундошларни, умуман, жарангли ва жарангсиз турга ажратади. Унинг талқинига кўра, жарангли товушларда овоз аъзолари максимал даражада “бирлашади”, ҳаво оқими тўпланиши натижасида титроқ (овоз) ҳосил бўлади; бу артикуляция мажхура ундошларга хос. Маҳмуса ундошлар эса ҳаво оқимини ўтказиб юбориши ҳисобига юзага келгани учун жарангсизларга яқин туради. В.А. Звезгинцев (Zvegintsev, 1962, p. 37), Н. Ахвледиани (Akhvlediani, 1981, p. 83), Н. Робакидзе (Robakidze, 1984, Pp. 9) ҳамда бир қатор европалик тадқиқотчилар (Cantineau, 1972, p. 6) араб наҳвидаги мажхура ва маҳмуса ундошлари мутаносиб равишда жарангли ва жарангсиз сифатида талқин қилиниши кераклигини таъкидлайдилар.

Бироқ ء, ق, ط фонемаларининг анъанавий тарзда мажхура қаторига киритилиши мазкур мувофиқлаштиришнинг мутлақлигини муҳокамага очади. Ҳозирги арабшунос тилшунослар ҳамзани, одатда, жарангсиз деб эътироф этсалар-да, Н. Робакидзе унинг “кучли” товушлар қаторига қўшилишини ҳамзанинг унлилар учун таянч вазифаси билан изоҳлайди (Robakidze, 1984, p. 19). Демак, ҳамзанинг “жарангли” деб баҳоланиши айрим ҳолатларда унинг фонетик эмас, балки функционал (фонологик) жиҳати билан ҳам белгиланади. Шу нуқтаи назардан Замахшарийнинг ق ва ط ни ҳам жаранглилар қаторига қўшиши муайян даражада тарихий-фонологик асосга эга: замонавий тадқиқотларда

кадимги араб тилида бу ундошлар жарангли ҳисобланган ҳолатлар бўлгани қайд этилади. Звегинцев эса “мажҳура–маҳмуса” терминларини қўллашда араб тилшунослари муайян даражада эркинликка йўл қўйган бўлишлари мумкинлигини таъкидлайди (Zvegintsev, 1962, p. 37).

Замахшарий араб тилидаги حروف القلقة — “овозли, титроқли” ундошлар сифатида алоҳида гуруҳга ажратади. Унингча, бу товушлар кўкракдан чиқадиган кучли овоз ёрдамида, туртки ва тўсиқ воситасида ҳосил бўлади ва “ўта жарангли” хусусият касб этади. Г. А. Валлин уларни вокал-консонант элементли ундошлар деб баҳолайди (Wallin, 1856, p. 10). Ибн Яъишнинг фикрича, мазкур ундошлар пауза ҳолатида келганда уларни “унлисиз” талаффуз қилиш қийин бўлиб, паузада айтилганда улардан кейин қисқа унли эшитилиши мумкин, масалан: اخلط, اذهب, الحق). Таҳлилга кўра, айнан шу қисқа унлининг эшитилиши мазкур ундошларнинг “овозли” деб баҳоланишига омил бўлган.

Жарангли–жарангсиз ундошлар баёнидан кейин Замахшарий ундошларни товушнинг тўсиққа учраб сиқилиши ёки, аксинча, тўсиққа учрамасдан давом этишига кўра таснифлайди. Товуш тўсиққа учраб, сиқилиш натижасида ҳосил бўладиган ундошлар الشديد (портловчи), унга зид ҳолат эса الرخوة (фрикатив) деб аталади. Муаллиф бу фаркни артикуляция аъзоларининг сиқилиши ва ундан тескари ҳолат билан боғлайди; шу асосда ундошлар портловчи ва сирғалувчи турларга ажратилади.

Шадид ундошлар ҳам мажҳурлар каби “кучли” товушлар сифатида қаралиши мумкин, бироқ бу икки таснифдаги тўсиқ табиати бир хил эмас. Шадид ундошларда тўсиқ товуш чиқиш нуктасида юзага келиб, портлаш таъсирини беради; мажҳурда эса асосий нукта ҳаво оқими билан боғлиқ “тўхталиш”дир. Иброҳим Анис бу фаркни шундай изоҳлайди: мажҳур ундошларда ҳаво оқими бўғизда сиқилади, аммо овоз эшитилади; шадидда эса сиқилиш товуш ҳосил бўладиган жойда, нутқ аъзолари даражасида содир бўлади (Anis, 1961, Pp. 94). Шунинг учун Замахшарийда шадид ундошларнинг “кучлилиги” портлаш хусусияти билан, мажҳур ундошларнинг кучлилиги эса ҳаво оқимининг “ичкаридан келиши” ва тўлиқ товуш хусусияти билан асосланади.

Муаллиф куйидаги саккиз ундошни – و, ي, ن, م, ر, ل, ع, ا - на шадид, на рахва гуруҳига киритмайди. Унингча, бу ундошлар талаффузида тўсиқ бор бўлса-да, ҳаво оқими бутунлай тўхтаб қолмайди ва мутлақ эркин ҳам ўтмайди; шу сабабли уларни ярим-портловчи (сиқилувчи) ундошлар сифатида баҳолаш мумкин.

Сомий тилларга хос хусусиятлардан яна бири – эмфатик ундошларнинг мавжудлигидир. Замахшарий бундай ундошларнинг ҳосил бўлишини тилнинг маълум қисми қаттиқ танглай томон ҳаракат қилиши билан изоҳлайди. Ундош ҳосил бўлишида тил олди билан бирга тил орти артикуляцияси ҳам иштирок этгани сабабли бу ҳодиса الإطباق

(итбоқ, ёпиклик) деб аталади; шу йўсинда ص, ض, ظ, ط ундошлари шаклланади. Араб тилшунослари бу ундошларни مطابق (ёпик), қолганларини مفتحة (очик) деб аташган.

Ибн Яъишнинг фикрига кўра, “агар итбоқ бўлмаганда ض дга, صга, ظга айланиб қоларди” (Zamakhshari, 1357, p. 343). Айрим манбаларда бу эмфаза ҳолати веляризация деб юритилади. Эмфатик ундошларда иккинчи артикуляция жойининг мавжудлиги, нутк аъзолари иштироки ва бўғиз соҳасининг торайиши инобатга олинса, уларни фарингал-альвеоляр ундошлар сифатида тавсифлаш мумкин; зеро бу талаффуз фарингализация билан боғлиқ.

Муаллиф эмфатик товушлар қаторига фақат ص, ض, ظ, ط ни эмас, балки веляр خ, غ, шунингдек эмфатик ق, ل, ر каби ундошларни ҳам киритади. Б.М. Гранде баъзан ق ундошининг ҳам эмфатик товушлар сирасига киритилишини эслатади (Grande, 1963, p. 49). Замахшарий ل ва ر ундошларининг эмфатик реализацияларини الله, حمارك, رحمان каби мисоллар билан кўрсатиб, эмфатик фонемаларни حروف المستعلية (“баланд кўтарилувчи”), қолганларини эса حروف المنخفضة (“паст кўтарилувчи”) деб таърифлайди.

Замахшарий сирғалувчи “хуштак” ундошларни ҳам алоҳида гуруҳ сифатида ажратиб, (ص, س, ز) фонемаларини حروف الصغیر – “хуштак ҳарфлари” деб номлайди. Шу билан бирга, тилшунос яна бир муҳим гуруҳни – حروف الذلاقة (“тил учи ёрдамида ҳосил бўладиган ундошлар”)ни кўрсатиб, уларнинг талаффузида асосий вазифани тил учи бажаришини таъкидлайди; бу гуруҳга олти фонема - ب, و, ر, ن, م, ل - киритилади.

Диққатга сазовор жиҳат шундаки, мазкур гуруҳда ل, ر, ن каби тил олди фонемалари билан бирга лаб ёрдамида ҳосил бўладиган ب, و, م товушлари ҳам бор. Демак, уларнинг бир ном остида бирлаштирилиши артикуляция ўрни билан эмас, балки функционал вазифаси билан белгиланади: муаллиф таъкидлаганидек, бу ундошлар тўрт ва беш ўзакли сўзлар таркибида иштирок этиши лозим. Шу билан бирга, тўрт ва беш ўзакли сўзларнинг фақат “залақа” ундошларидан таркиб топиши талаффуз учун оғир ҳолат деб баҳоланади.

Муаллиф, шунингдек, латерал ундош сифатида لام المنحرف фонемасини қайд этиб, бу товуш талаффузида товуш/ҳаво оқими тилнинг ён томонидан сирғалиб чиқишини таъкидлайди. Шунингдек, واء المكر (“такрор” – титровчи р)ни алоҳида таърифлаб, уни талаффуз қилишда тилнинг титрашини қайд этади. Бундан ташқари, “Ундошларнинг микдори” бўлимида النون الخفية /نون الخفيف - енгил ва яширин “н” масаласига тўхталиб, унинг буруннинг тепа қисмида ҳосил бўлишини таъкидлайди; Ибн Яъиш эса нунни ҳаракатланмаган ундош сифатида таърифлайди.

Замахшарий و, ي, ا фонемаларини заиф деб атайди. Ибн Яъишнинг фикрига кўра, бу ундошларнинг талаффузида ҳаво оқими чиқиши учун артикуляция жойи бошқа ундошларга нисбатан кенгрок бўлади. Заиф ундошлар ичида, айниқса, алиф учун товуш ҳосил бўлиш

ўрни янада кенгрок бўлиши талаб этилади; шу сабабли муаллиф уларни “ҳавоий” деб атайд.

Шунингдек, муаллиф التاء المهتوت – “аниқ талаффуз қилинмайдиган т” ҳақида ҳам қайд қилади. Бу фонема хусусида баъзи ноаниқ талқинлар бор: масалан, هتات сўзининг ўқилиши هتتا бўлган ҳолатларда хаттот хато қилиб ة ўрнига ت ёзган, деган фикр айрим манбаларда учрайди. Бироқ араб филологлари яширин ва заиф фонемаларни санаб ўтганларида ة ва ة билан бир қаторда تни ҳам келтирганлари қайд этилади. Бу ҳолат муаллиф таснифида “фонеманинг кучли/заиф ҳолатлари” ғояси билан ҳам узвий боғланади.

Муаллиф “Муфассал” маълумотлари асосида фонемаларнинг кучли ва заиф позициядаги ҳолатларини ажратиш кўрсатади: заиф ҳолатларда фонема маъно ажратиш вазифасини тўлиқ бажармаслиги мумкин. Айнан шу фонемалар ва уларнинг модификациялари حروف الفروع – “иккиламчи ундошлар” таркибида келтирилади. Бу гуруҳдаги баъзи ундошлар Қуръон қироати ва шеърий тилида қўлланиши мумкин бўлиб, مستحسنة – “қўлланиши мумкин бўлган” ундошлар деб аталади. Уларга қуйидагилар киради: 16-махраждаги енгил нун (масалан: عنك), юмшоқ (имолага учраган) алиф (масалан: عالم), қаттиқ/веляризацияланган алиф (масалан: صلاة), сўз ўртасидаги ҳамза (масалан: سأل), ج тарзида талаффуз қилинган ش (масалан: اشدق), ва ز тарзида талаффуз қилинган ص (масалан: مصدر). Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, вариантларда тақдим этилган фонемалар маъно ажратиш хусусиятини қисман йўқотиши мумкин; демак, вариантланиш бу ерда ҳам фонетик, ҳам фонологик оқибатга эга.

Замахшарий келтирган навбатдаги гуруҳ - “аҳмоқ” (баъзи муаллифларда “қабих”) ундошлар – Қуръон қироатида ҳам, мумтоз шеърийда ҳам талаффуз қилинмайди; улар, асосан, лаҳжада қўлланади. Бу гуруҳга ف, ث, ظ, ط, ص, ض, ش, ك, ج фонемалари киритилиб, улар саккиз ҳолат орқали тушунтирилади: (1) ج кдек; (2) к ж каби; (3) сукукли ждан кейин т/д келганда ж “шга яқин”; (4) Ироқ ажамларида ظ нинг ت сингари; (5) ص нинг س сингари; (6) ط ўрнига ض 7; (7) ت нинг “заиф” талаффузи; (8) ب нинг ف каби талаффузи. Ушбу ҳолатлар бир фонеманинг талаффузи буткул ўзгариши, ёки ўзига ўхшаш бошқа фонеманинг талаффуз хусусиятини қабул қилиши мумкинлигини кўрсатади; шу орқали модификациянинг икки кўриниши - вариация ва вариантланиш - амалий нутқ фактлари билан асосланади.

Замахшарий идғомни икки турдош ундошнинг талаффузини енгиллаштириш воситаси сифатида баҳолайди. Араб филологлари идғом одатда икки ундош орасида унли бўлмаган ёки пауза билан ажратилмаган позицияда қўлланишини таъкидлайдилар. Шунингдек, икки турдош фонеманинг бирлашиши учун улардан бирини иккинчисига “яқинлаштириш”, яъни талаффузини ўзгартириш талаб қилинади: натижада икки

фонеманинг талаффузи бир хиллашиб, шундан кейин бирлашиш (геминация) амалга ошади. Шу маънода идғомни ундошларнинг геминацияси деб ҳам таърифлаш мумкин.

Немис тилшуноси А. Шааде идғом “ассимиляция” деб аталса-да, у ассимиляцияга ўхшаши ёки ўхшамаслиги мумкин, деб таъкидлайди (Schaade, 1911, p. 50). Бу фикр идғомнинг икки бир хил ундош ўртасида ҳам, икки хил турдош ундош ўртасида ҳам содир бўлишини ҳисобга олганда асосли кўринади: бир хил ундошлар идғомида ассимиляция талаб этилмайди, иккинчи ҳолатда эса бир ундош аввал ассимиляцияга учраб, кейин бирлашади ва геминат товуш юзага келади. Европалик тилшунослар, жумладан А. Шааде ва Х. Флейш, идғомнинг икки турини - ўзгаришсиз бирлашиш ва ассимиляция орқали бирлашиш - эътироф этган; араб тилшунослари буни одатда кичик ва катта идғом деб аташади (Anis, 1961, p. 88).

Замахшарий идғом ҳодисасини амал қилиш даражасига кўра уч гуруҳга ажратади: вожиб (зарурий), жоиз (мумкин) ва мумкин бўлмаган идғом. Вожиб идғом икки бир хил ёки икки турдош ундош кетма-кет келганда биринчи ундош сокин, иккинчи ундош унли олган вазиятда юзага келади; масалан: لم اقل لك (“Мен сенга ҳеч гапирмаганман”). Шунингдек, баъзан бир сўзда кетма-кет келган икки бир хил ундошнинг ҳар иккови қисқа унли олганида ҳам идғом зарур: رَدَدَ → رَدَدَ. Жоиз идғом икки сўзда кетма-кет келган икки бир хил ундошдан олдин чўзиқ унли турган ҳолларда: المال أزيد (“Мол Зайдникидир”), ва шунингдек бир сўздаги айрим ҳолатларда: اقتتل / اقتل. Мумкин бўлмаган идғом эса биринчи ундош унли олган, иккинчи ундош сокин бўлган ҳолатда: ظلت; икки бир хил ундошдан олдин ёпик бўғин келганда: قرم مالك; ва идғом маънода тушунмовчилик келтириб чиқарса: سُرر каби мисолларда қайд этилади.

Мазкур уч даражали таснифнинг илмий янгилиги шундаки, Замахшарий идғомни фақат “талаффузни енгиллаштирувчи” фонетик ҳодиса сифатида эмас, балки қатъий меъёрий ва фонологик ҳодиса сифатида ҳам кўяди. У идғомнинг амал қилишига таъсир этувчи омилларни (унли/унлисizlik, сўз ичи-сўзлараро позиция, чўзиқ унлидан олдин келиш, ёпик бўғин, маънони бузиш хавфи) бир тизимга солиб, “қайси шароитда идғом шарт, қайсида ихтиёрий, қайсида тақик” деган меъёрий рамкани белгилайди. Шу орқали идғом артикуляцион қулайлик доирасидан чиқиб, маънони сақлаш ва фарқлаш (фонологик вазифа) мезони билан боғланган функционал қоида сифатида талқин қилинади. Мазкур ёндашув ҳозирги арабшунос тилшунослар томонидан ҳам қўлланиб келинаётгани қайд этилади.

Таҳлил шуни кўрсатадики, Замахшарий ундошлар тизимини изоҳлашда бир вақтнинг ўзида бир неча илмий йўналишни уйғунлаштиради: нафас-жарангдорлик мезони орқали мажхура/махмуса муносабати, шадид/рахва орқали тўсиқ-сиқилиш механизми, эмфатик

ундошлар орқали итбоқ ва иккинчи артикуляция, махсус гуруҳлар (қалқала, сафир, залақа, латерал ва титровчи ундошлар) орқали артикуляциянинг нозик қирралари ҳамда “иккиламчи ундошлар” орқали фонологик вазифанинг кучли-заиф ҳолатлари бир бутун концептуал тузилмада баён этилади. Шу боис “Муфассал”даги ундошлар ҳақидаги қарашлар нафақат ўз даври учун, балки кейинги тилшунослик анъанаси учун ҳам муҳим назарий пойдевор вазифасини ўтайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Zamakhshari, M. (1357). *Al-Mufassal fi sifat al-i'rab* (Manuscript No. 5198). Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. (in Arabic)
2. Zvegintsev, V. A. (1962). *Ocherki po obshchemu yazykoznaniyu*. Moscow State University. (in Russian)
3. Akhvlediani, V. G. (1981). *Arabskoe yazykoznanie srednikh vekov: Istoriya lingvisticheskikh ucheniy. Srednevekovyi vostok*. Leningrad. (in Russian)
4. Robakidze, N. (1984). *Foneticheskaya kontseptsiya az-Zamakhshari* (Extended abstract of candidate's thesis). Tbilisi. (in Russian)
5. Cantineau, J. (1972). *Grammaire de l'arabe classique*. Wiesbaden. (in Arabic)
6. Fleisch, H. (1961). *Traité de philologie arabe*. Beirut. (in Arabic)
7. Wallin, G. A. (1856). *Ueber die Laute des Arabischen und ihre Bezeichnung*. . (in Arabic)
8. Grande, B. M. (1963). *Kurs arabskoi grammatiki v sravnitel'no-istoricheskom osveshchenii*. Publishing House of Oriental Literature. (in Russian)
9. Schaade, A. (1911). *Sibawaihis Lautlehre*. Leiden.
10. Anis, I. (1961). *Al-aswat al-lughawiyya*. Cairo. (in Arabic)